

Ўзбекистон Республикаси номидан
Ҳ У К М

2025 йил январь ойининг 07 куни, жиноят ишлари бўйича Избоскан туман суди, ўз биносида, очиқ суд мажлисида, раислик қилувчи туман судининг раиси А.Назирбеков, судья ёрдамчиси А.Боқиевнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Избоскан туман прокурорининг катта ёрдамчиси Н.Бобомирзаев, судланувчи [REDACTED] ва унинг ҳимоячиси Избоскан тумани “YURIDIK NAMKOR-22” адвокатлик бюроси адвокати Ф.Умаровларнинг иштирокида, [REDACTED] га нисбатан юритилган № 1-1708-2501/3-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

[REDACTED] - [REDACTED] да Пахтаобод туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, оилали, 3 нафафр фарзанди бор, маълумоти ўрта-махсус, ҳарбий хизматга мажбур, муқаддам жиноят ишлари бўйича Пахтаобод туман судининг 2012 йил 22 октябрь кунги ҳукмига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддаси 2-қисмининг “в,г” бандлари билан ҳар ойлик иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушланган ҳолда 2 йил ахлоқ тузатиш ишлари тайинланган, Амнистия актига асосан жазодан озод этилган, [REDACTED] яшайди, иш бўйича 2024 йил 18 ноябрь куни “Муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисида тилхат” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2024 йил 27 декабрь куни олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖК 223-моддасининг 1-қисми билан айбланган.

Суд, судланувчининг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишдаги мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :



██████████, ██████████ 2024 йилнинг 20 август куни соат тахминан 21:00ларда Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 13 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси тўғрисида”ги қонун талабларини қўпол равишда бузиб, Қирғизистон-Ўзбекистон Республикаси давлат чегарасининг Пахтаобод тумани, Тошқўрғон МФЙ ҳудудидан ўтган қисми орқали ноқонуний равишда Қирғизистон Республикасидан Ўзбекистон Республикасига ўтганлиги аниқланган.

Судланувчи ██████████ суд мажлисида, ўз айбига тўлиқ иқдор бўлиб, у 2024 йилнинг 29 июль санасида ишлаб пул топиш мақсадида Пахтаобод тумани Маданият чегара пости орқали қонуний равишда Қирғизистон Республикасига чиқиб кетгани, у ерда Қирғизистон Республикасининг Жалолобод вилоятининг Новкент қишлоғида жойлашган тош заводида ишлагани, бу ерда фақатгина қирғизлар билан ишлаганлиги сабабли улар билан келишиб ишлай олмагани, шу орада хорижга чиқиш ҳуқуқини берувчи фуқаролик паспортини йўқотиб қўйгани, унга нисбатан бу ерда қирғиз миллатига мансуб бўлган фуқароларнинг тазйиқи кучайиб бораётганлиги сабабли, Ўзбекистон Республикасига қайтиб ўтиб кетмоқчи бўлиб юрган вақтида, турмуш ўртоғи унга дадаси ██████████нинг соғлиги ёмонлашиб қолганлигини, дадасининг юрагини операция қилдиришлари кераклигини маълум қилганидан сўнг, яшаш хонадонига давлат чегарасини ноқонуний равишда кесиб ўтмоқчи бўлгани, 2024 йилнинг 20 август куни Қирғизистон Республикаси билан Ўзбекистон Республикасининг давлат чегарасининг кўриқланиши қийин бўлган соҳасига соат тахминан 21:00ларда етиб келиб, бу ердан сим тўсиқларнинг тагидан ўтиб Ўзбекистон Республикаси ҳудудига ўтган вақтида, давлат чегара хизматчилари кўриб қолиб, уни олдига келаётган вақтида маҳалла ичкарасига кириб кетгани, бу пайтда ҳарбий хизматчилар давлат чегараси сим тўсиқларининг нейтрал ҳудудида қолиб кетишгани, шундан сўнг орадан бироз вақт ўтиб чегара ходимлари маҳалла ичкарасига етиб келиб, уни бу ерда қўлга олишгани, ҳозирда қилган ишидан пушаймонлигини, ўзига нисбатан қонуний енгиллик беришни сўраши ҳақида кўрсатув берди.

Суд, тарафларнинг фикрини, судланувчининг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иш ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, ██████████нинг юқоридаги жиноятни содир қилганликдаги айби, ўзини айбига тўлиқ иқдор бўлиб берган кўрсатувларидан ташқари, маъмурий тартибда ушлаб туриш, тушунтириш хатлари, сўроқ баённомалари, шунингдек тергов жараёнида тўпланган ва жиноят ишида мавжуд бошқа далиллар мажмуи билан исботланган, деб топади.

Суд, дастлабки тергов органи томонидан судланувчи ██████████ни ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖК 223-моддасининг 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган, деб ҳисоблайди.



Суд, судланувчи [REDACTED]нинг ЖК 223-моддасининг 1-қисмидаги айбига иқрорлик тўғрисидаги келишувини ЖПКнинг 586⁷-моддаси тартибида муҳокама қилиб, келишув ЖПКнинг 586¹-моддаси талаблари асосида, айбланувчи томонидан ихтиёрий равишда тузилганлиги, айбланувчи келишувнинг моҳиятини, унинг шартларини тушунганлигини, унинг оқибатларини англаб етганлигини, судланувчи [REDACTED] келишувини қўллаб-қувватлашини эътиборга олиб, судланувчи [REDACTED]нинг айбга иқрорлик келишувини тасдиқлашни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддасида давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши кераклиги белгилаб қўйилган.

Олий Суди Пленумининг 2023 йил 23 июнь кунги “Одил судловни амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси нормаларини тўғридан-тўғри қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги Қарорининг 6-бандида судлар Конституциянинг 20-моддаси талабларидан келиб чиқиб, шахсга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши кераклигини инобатга олишлари зарурлиги, бунда ҳуқуқбузарлик содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилона бўлиши, яъни ҳуқуқбузарликнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши кераклиги ҳақида тушунтириш берилган.

Суд, судланувчи [REDACTED]га нисбатан жазо тайинлашда, уни айбига тўлиқ иқрор ва қилмишидан пушаймонлигини, муқаддам судланмаганлигини, оилавий шароитини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб топиб, жиноятни ғаразли ва бошқача паст ниятларда содир этганини оғирлаштирувчи ҳолат деб баҳолаб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 03.02.2006 йил кунги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 01-сонли Қарорининг 1-бандидаги жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципига қатъий амал қилиниши, ҳамда 3-бандидаги жазо адолатли бўлиши ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги ҳақидаги раҳбарий тушунтиришларига амал қилиб, айбига иқрорлигини, қилмишидан пушаймонлигини, муқаддам судланмаганини, оилавий шароитини эътиборга олиб, унга нисбатан ЖКнинг 57 ва 57²-моддаларини қўллаб, у



айбли деб топилган модда санкциясида назарда тутилмаган ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 454-457, 460, 462-463, 465-468, 471-473-моддаларига амал қилиб, суд

Ҳ У К М Қ И Л А Д И:

Айбига иқрорлик тўғрисидаги келишув тасдиқлансин.

██████████ Ўзбекистон Республикаси ЖК 223-моддасининг 1-қисми билан айбли деб топилсин.

██████████ га Ўзбекистон Республикаси ЖК 223-моддасининг 1-қисми билан ЖКнинг 57 ва 57²-моддаларини қўллаб, иш ҳақининг 20 фоизи миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 1 (бир) йил 6 (олти) ой ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Ахлоқ тузатиш ишлари жазоси яшаш жойи бўйича Пахтаобод туман ИИБ Пробация гуруҳи томонидан белгиланган жойда ўтатирилсин.

Ахлоқ тузатиш ишлари жазосини таъминлаш Пахтаобод туман ИИБ Пробация гуруҳи зиммасига юклатилсин.

Ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўташ муддати ██████████ жазони ўташ учун юборилган корхона, муассаса, ташкилотда иш бошлаган кундан бошлаб ҳисоблансин.

██████████ га нисбатан қўлланилган эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилинсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан, судланган эса унга ҳукмнинг кўчирма нусхаси топширилган кундан эътиборан ўн сутка ичида шу суд орқали Андижон вилоят судига апелляция тартибида, бу муддат ўтганидан сўнг кассация тартибида шикоят беришга ёки протест билдиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи:

имзо

А.Назирбеков

**Ҳукм нусхаси аслига тўғри,
Туман судининг раиси**

А.Назирбеков

